O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

*Ислом КАРИМОВ:*

**Ҳар қайси ижтимоий тоифа ва қатламнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда, умумий гаплар билан эмас, амалий ишлар билан маънавиятни юксалтириш диққатимиз марказида бўлиши шарт.**


# O'ZBEKISTON OVOZI

O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASINING SIYOSIY-IJTIMOIY GAZETASI

2000 ЙИЛ 8 АПРЕЛЬ, ШАНБА

№ 43 (25.593).

GAZETA 1918 YIL 21 IYUNDAN CHIQA BOSHLAGAN


## МИЛЛИЙ МАФКУРА – МАМЛАКАТ КЕЛАЖАГИ ПОЙДЕВОРИ





***6 апрель куни Оқсарой қароргоҳида миллий мафкура масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда файласуф, тарихчи, сиёсатшунос, социолог, психолог, педагог ва адабиётшунос олимлар, журналистлар, таниқли адиблар, жамоат ташкилотлари вакиллари қатнашди.***

***Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.***

Давлатимиз раҳбари бу йиғилишнинг асосий мақсади — жамиятимиз ҳаётидаги энг муҳим масалалардан бири бўлган миллий мафкура хусусида атрофлича фикрлашиб, олдимизда турган вазифаларни аниқ белгилаб олиш, уларни ҳаётга жорий этиш йўлларини муҳокама қилишдан иборатлигини айтди.

Барчамизга аёнки, биз инсоният тарихида ўхшаши, андозаси бўлмаган мураккаб бир даврни бошимиздан кечиряпмиз. Яъни, нафақат иқтисодий ҳаётимизда, балки онгу тафаккуримизда ҳам янгиланиш, ўзгариш жараёнлари кечмоқда. Албатта, бу осонликча рўй бераётгани йўқ, деди юртбошимиз. Бу йўлда эскича қарашлар, одамларимизнинг онгида эски замондан сақланиб келаётган мутелик ва қуллик асоратларини, турли зиддиятлар, баъзан очиқдан-очиқ душманлик кайфиятларини ҳам енгиб олға бораётганимизни ҳеч ким инкор этолмайди.

Миллий мустақиллик, озодлик йўли, эркин ҳаёт қуриш аслида мана шундай машаққатли бўлади. Бунга кўҳна тарихдан ҳам, яқин ўтмишимиздан ҳам кўпдан-кўп мисоллар келтириш мумкин.

Бинобарин, Йўлбошчимиз таъкидлаганидек, мана шу ўзимиз танлаган мустақил тараққиёт йўлида аниқ марраларни кўзлаб яшашимизда, пировард мақсадимиз бўлган озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш борасидаги интилишларимизда биз учун руҳий-маънавий куч-қувват манбаи, илмий асос — бу миллий ғоя, миллий мафкура бўлиши шарт.

Мамлакатимиз истиқлолга эришган дастлабки кунлардан бошлаб бу масалага алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Миллий мафкуранинг ҳаётимиздаги ўрнини белгилаш, унинг илмий-назарий асосларини яратиш, мафкуравий тарбия йўналишларини ишлаб чиқиш, шу асосда жамиятимизда ижтимоий фикрни шакллантириш мақсадида амалга оширилган ишлардан барча хабардор.

Шу боис ҳам Президентимиз миллий ғоя, миллий мафкура масалаларига доимий эътибор қаратиб, ўз асарлари ва нутқларида бу масалага алоҳида урғу бериб келади. Айтиш жоизки, давлатимиз раҳбарининг бу борадаги қарашлари, фикр-мулоҳазалари йиғилиш қатнашчиларига тарқатилган янги тўпламда жамланган.

Бу мавзуга бағишлаб олиб борилаётган тадқиқот ишлари, изланишлар, нашр этилаётган китоблар, олимлар, ёзувчилар, маданият намояндаларининг матбуот, радио-телевидениедаги чиқишлари, ўтказилаётган тадбирлар, тарғибот-ташвиқот ишлари ҳам бу масаланинг нақадар кенг қамровли муаммо эканини тасдиқлайди, деди Ислом Каримов.

Албатта, олиб борилаётган ишларимиз, қарашларимиз барчаси бир хил савияда бўлмаса-да, уларнинг орасида жиддий ёндашувга асосланган, кишида фикр уйғотадиган изланишлар ҳам борлиги диққатга сазовор.

Мана шу чиқишларда билдирилаётган фикр ва қарашлар баъзан бир-бирига уйғун келмаслиги, айрим жойларда бир-бирига қарама-қарши бўлиши ҳам табиийдир. Лекин шу ҳолат замирида ҳам, бу борада олиб борилаётган ишларнинг маъно-мазмунида ҳам бугун халқимиз бошидан кечираётган ҳаёт учун бу масаланинг нечоғли долзарб эканини, унинг моҳиятини англашга катта қизиқиш ва интилиш мавжудлигини кўриш мумкин.

Давлатимиз раҳбари жамоатчилигимизнинг маълум бир қисми ҳалиҳануз бу жараёндан узоқ турганини ҳам инобатга олишимиз ва бундай ҳолатдан тегишли хулосалар чиқаришимиз зарурлигини қайд этди.

Ислом Каримов бу борадаги фикрларини баён этиб, авваламбор, ўзининг келажагини кўрмоқчи ва қурмоқчи бўлган ҳар қандай давлат ёхуд жамият, албатта ўз миллий ғоясига суяниши ва таяниши кераклигини таъкидлади. Зеро, давлат тизими, уни бошқариш ва олиб борилаётган сиёсат аввало аниқ ва равшан ифодаланган мафкура асосига қурилмоғи лозим. Ўз миллий ғоясига таянмаган жамият инқирозга дучор бўлиши, ўз йўлини йўқотиб қўйиши муқаррар.

Иккинчидан, бугун биз тарихий ўзгаришлар даврида — яъни мустабид, тоталитар бир тизимдан эркин ва озод тизимга ўтиш шароитида яшамоқдамиз. Бу ўтиш даврида халқимиз ўзига хос, жуда катта ғов ва тўсиқларга дуч келиши, бу жараён катта курашлар орқали кечиши барчамиз учун аён бўлмоғи даркор. Халқимиз ва жамиятимизни мана шу даврдаги янги уфқлар сари бошлаш, даъват қилишда мақсадларимиз аниқ бўлиши керак. Йўлбошчимиз бундай мақсадларга аввало чуқур ўйланган ва пухта ишланган мафкура асосидагина етишиш мумкинлигини уқтирди.

Ўрта ва катта ёшли авлод эски тизим даврларини бошидан кечирган ва охирги ўн йил давомида қандай оғир йўлларни босиб ўтганимиздан хабардор. Учинчи масала шундаки, энди вояга етаётган ёшларимизни нима билан, қандай ғоя ва мафкура билан тарбиялашимиз керак? Улар қандай ғоя асосида, қандай ғоя негизида тарбия олиши, қандай эзгу мақсадларга интилиши керак? Қандай мафкура ва тафаккур улар учун қурол бўлиб хизмат қилмоғи лозим?

Тўртинчидан, тарбиявий-ахлоқий масалаларда, маънавий ҳаётда, керак бўлса, миллий манфаатларимизга мос келадиган сиёсатни изчил олиб боришда ўз йўлимизни йўқотмаслигимиз учун ғоявий бўшлиққа йўл қўймаслигимиз даркор, деди Президент.

Нега деганда, бугун дунёда бораётган курашлар ичида энг катта, энг таъсирчан кураш, аввало, мафкура майдонларида олиб борилмоқда ва бу курашда енгиш учун жуда катта маблағ, имконият ва кучлар сафарбар қилинмоқда.

Шундай вазиятда ёшларимизнинг баъзан сохта ғоялар орқасидан эргашиб кетаётгани биз учун катта хавфдир. Шу сабабли ҳам биз учун ўзимизга сувдек, ҳаводек зарур бўлган миллий ғоя, миллий мафкура керак.

Юртбошимизнинг фикрича, миллий ғоянинг яна бир муҳим аҳамияти шундан иборатки, у миллатимизнинг, халқимизнинг ўзлигини англашига, ўзининг миллий қадриятларини, урф-одатларини йўқотмасдан, уларни тиклаб, авайлаб, эъзозлаб, янги, ўсиб келаётган авлодга етказиб бериш учун хизмат қилиши керак.

Олтинчидан, миллий ғоя олдига қўйиладиган асосий талаблар ҳақида гапирмоқчи бўлсак, аввало унинг икки суянган тоғи — таянчи ҳақида фикр юритишимиз зарур.

Ислом Каримов миллий мафкурамиз, биринчи навбатда, халқимизнинг азалий анъаналарига, удумларига, тилига, динига, руҳиятига, бир сўз билан айтганда, миллий қадриятларимизга, халқимизнинг дунёқараши ва тафаккурига асосланиб, шу билан бирга, замонавий, умумбашарий, умуминсоний ютуқлардан озиқланган, уларни ўзига қамраб олган ҳолда, юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ манфаати ва фаровонлиги йўлида хизмат қилмоғи даркорлигини айтди.

Еттинчи масала — миллий мафкура ҳеч қандай шаклда давлат мафкураси мақомига кўтарилмаслиги, айланмаслиги керак. У жамиятимиздаги қарашлар ранг-баранглиги, ғоялар хилма-хиллигини сақлаган ҳолда, уларни бир-бири билан курашишига, баҳслашувига, ҳар қандай партия, ҳаракат, ҳар қайси инсон, фуқаронинг ўз фикрини эркин ифода этиши ва уни ҳимоя қилишига зиён ёки тазйиқ кўрсатмаслиги лозим.

Лекин, шу билан бирга, миллий ғоя давлатимиз, жамиятимиз, халқимизнинг юксалиши йўлида, буюк келажак барпо этишдек эзгу мақсадга эришиш ва жаҳон ҳамжамиятида ўзимизга муносиб обрў-эътибор топишимизда ягона байроқ, ягона бирлаштирувчи куч-қанот бўлиши шарт, деди давлатимиз раҳбари.

Йиғилишда сўзга чиққан «Жаҳон адабиёти» журнали бош муҳаррири, таниқли адабиётшунос О.Шарафиддинов, Ўзбекистон халқ шоири Э.Воҳидов, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Саид Аҳмад, Ўзбекистон файласуфлар жамияти раиси И.Раҳимов, Тошкент шаҳар бош имом хатиби А.Турсунов, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси А.Орипов ва бошқалар миллий ғоя ва миллий мафкура масаласи мамлакатимиз истиқболи, келажагини белгилашда жуда муҳим омил эканлигини таъкидладилар. Бу борада таълим-тарбия жараёнини такомиллаштириш, чуқур илмий тадқиқотлар олиб бориш, зиёлилар билан дин вакиллари ўртасида доимий ҳамкорликни йўлга қўйиш, буюк аждодларимиз меросини ўрганиш ва тарғиб этиш, оммавий ахборот воситалари фаолиятини кучайтириш, маънавий-маърифий ишларни янги босқичга кўтариш катта аҳамият касб этади.

Президент Ислом Каримов йиғилишни якунлар экан, бу борадаги муаммолар негизига етиб бориб, миллий мафкура концепциясини тайёрлаш билан бевосита шуғулланадиган гуруҳ тузиш таклифини билдирди.

Бу гуруҳ миллий ғоя, миллий мафкура ҳақида ҳозиргача эълон қилинган тадқиқотлар, китоблар, матбуотдаги чиқишларни, йиғилишда баён этилган фикр-мулоҳазаларни умумлаштириши, яхлит бир илмий концепция ҳолига келтириши керак.

Бу ишни кечиктирмай амалга ошириш даркор, деди Юртбошимиз. Чунки биз миллий мафкура концепцияси ҳақида кўпдан бери гапиряпмизу, лекин ҳалигача аниқ бир маҳсул йўқ. Энг муҳими, биринчи навбатда ўқув масканларида, олий ўқув юртларида таълим-тарбия олаётган болаларимиз учун аниқ ва равшан, шу билан бирга, таъсирчан ўқув қўлланмалари, дарсликлар тайёрлаш, уларни амалиётга татбиқ қилиш бугунги кундаги энг долзарб масала деб биламан.

Ислом Каримов жамиятимизда фидойи, билимдон, ватанпарвар, соғлом тафаккурга эга бўлган зиёли одамлар кўплигига ишонч билдирди. Эндиги вазифа — уларнинг интилиш ва ташаббусларини бир нуқтага жамлаш, бир мақсад сари йўналтириш, шу асосда миллий мафкурамизни ривожлантириш ва халқимиз онгига сингдиришдан иборат.

■ **Беҳзод УСМОН (ЎзА)**
**Суратларда: йиғилиш пайти.**
**Абдувоҳид ТЎРАЕВ олган суратлар.**

## ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИНИНГ ҚУРУЛТОЙИ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

Ҳурматли қурултой қатнашчилари!

Сизларнинг бугунги анжуманингиз мамлакатимиз сиёсий-ижтимоий ҳаётида теран ўзгаришлар юз бераётган, жамиятимизни демократлаштириш жараёни янги босқичга кўтарилаётган бир пайтда ўтаётгани билан муҳим аҳамиятта эга.

Сафларида миллионлаб кишиларни бирлаштирган Ўзбекистон касаба уюшмалари ўз аъзоларининг меҳнат ижтимоий-иқтисодий, маънавий-интеллектуал ҳақ-ҳуқуқларини муҳофаза қилиш, жамиятда манфаатлар уйғунлигини таъминлаш борасида катта ишларни амалга оширмоқда.

Касаба уюшмаларининг ўз фаолиятини янгиланаётган иқтисодиёт талабларига мувофиқ йўсинда ташкил қилиш, меҳнаткашлар кенг ижтимоий қатлами манфаатларининг ҳимоячиси сифатида ўзининг ҳаракат дастурини изчиллик билан ҳаётга жорий этишга интилаётгани эътиборга сазовордир.

Бугун жамиятимиз олдида турган долзарб масала — сиёсий-ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳаларини эркинлаштириш вазифаси, бошқа нодавлат ва жамоат тузилмалари қаторида, касаба уюшмаларига ҳам улкан масъулият юклайди.

Ишончим комилки, мамлакатимизда давлат, иш берувчилар ва касаба уюшмалари ўртасида шаклланиб келаётган барқарор ва самарали муносабатлар бундан буён ҳам ижтимоий шерикчилик тамойиллари асосида ривожланиб бораверади.

Бу жараёнда меҳнат аҳлига моддий-маънавий кўмак бериш, уларнинг саломатлиги ва дам олиши билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш, меҳнат қонунлари ва жамоа шартномаларининг ижросини мунтазам назорат қилиш, жамоатчилик онгида ўзини ўзи бошқариш кўникмаларини тарбиялаш, одамларнинг ташаббус ва изланишларини рағбатлантириш айниқса муҳим аҳамият касб этади.

Мана шу улкан вазифаларни амалга оширишда, пировард мақсадимиз бўлган озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш йўлида касаба уюшмалари сидқидилдан хизмат қиладилар, деб ишонаман.

Барчангизга сиҳат-саломатлик, куч-ғайрат, олижаноб ишларингизда янги муваффақиятлар тилайман.

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

**ХДП ХАБАРИ**

## ТАШАББУСКОРЛИК РУҲИДА

Ўзбекистон ХДП Қашқадарё вилоят Кенгашининг учинчи пленуми бўлиб ўтди.

Унда вилоят партия ташкилотининг республика Президенти И.А.Каримовнинг Олий Мажлис иккинчи чақириқ биринчи сессиясидаги маърузасидан ва ЎзХДП Марказий Кенгаши II пленуми қарорларидан келиб чиқадиган вазифалари муҳокама қилинди. Шунингдек, вилоят партия Кенгаши ижроия бюросининг ўтган йилги фаолияти якунлари ҳамда партия ташкилотининг 1999 йилги бюджети ижроси ва 2000 йил бюджети тўғрисидаги масалалар кўриб чиқилди. Пленумда вилоят партия Кенгаши биринчи котиби, Олий Мажлис депутати Ф. Омонов маърузаси тингланди.

Пленум муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилди.

■ **Илҳом КАРОМОВ**

## ИТАЛИЯ УЗРА ЎЗБЕК САДОСИ



Мустақиллик шарофати билан «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси Буюк ипак йўлининг қадимий сўқмоқларини қайта тиклашга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшмоқда, бу сўқмоқларни Европа қитъаси мамлакатлари осмони узра узайтирмоқда. 6 апрель куни Тошкент — Афина — Рим ҳаво йўлининг очилиши унинг шаҳобчаларидан бири бўлди. Миллий авиакомпаниямизнинг «Боинг-767» самолёти қадимий шаҳарга келиб қўнди. Аэропортда янграган ўзбек чилдирмаси садоси ва рақкосасининг шўх рақси барчани ўзига ром этди. Қарсаклар ва олқишлар янгради.

Шуни айтиш керакки, Европа сайёҳларининг Ўзбекистон тарихи ва маданиятига қизиқиши тобора ортмоқда. Дунёнинг турли бурчакларидан келаётган меҳмонларда тикланаётган Буюк ипак йўли бўйича йўналишлар тобора шуҳрат қозонаётир. Маълумки, қадимий йўлнинг охирги манзилларидан бири Римда бўлган. Мана энди «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси Шарқ ва Ғарб маданиятлари ўчоқлари узра ҳаво кўпригини ўрнатди. Қатновлар ҳафтада икки марта Афина орқали ва тўғридан-тўғри амалга оширилади. Мангу шаҳар Римга «Ассалому алайкум» ва Ўзбекистонга «Хуш келибсиз!» деймиз.

■ **Алишер РЎЗИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

## ЯНГИ ЗЕЛЛАНДИЯ ТЕННИСЧИЛАРИ ТОШКЕНТДА

Бугун «Юнусобод» теннис кошонасида халқаро мусобақанинг тантанали очилиш маросими бўлади. Ўзбекистон — Янги Зелландия теннисчилари ўртасида «Дэвис кубоги» учун навбатдаги босқич баҳслари бошланади. Маълумки, мамлакатимиз теннисчилари жаҳон гуруҳига ўтиш учун учинчи марта курашишмоқда. Мусобақа арафасида «Шератон» меҳмонхонасида баҳс иштирокчилари ўртасида қуръа ташлаш маросими бўлди. Унга кўра, кеча Вадим Куценко — Марк Нильсен ҳамда Олег Огородов — Алстаир Хант учрашувлари бўлиб ўтди. Бугун жуфтликлар баҳси бўлиб, эртага яна икки учрашувдан кейин ғолиб жамоа аниқланади.

■ **Мирзо АНВАР**

## НАВРЎЗ ТАДБИРЛАРИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

**Навоий вилояти халқ таълими бошқармаси, «Меҳрибонлик уйи», «Фарҳод» маданият саройи, вилоят «Камолот» жамғармаси ҳамкорлигида «Соғлом авлод йили» муносабати билан «Меҳрибонлик уйи» тарбияланувчилари — «Истиқлол» ҳамда «Хумор» ўғил ва қизлар гуруҳи ўртасида «Биз — Президент фарзандларимиз» мавзуига бағишланган беллашув ўтказилди.**

**Иштирокчилар ўзбек миллий удумларидан кўриниш, «Наврўз» менинг тасаввуримда, гуллар номини тўхтамасдан айтиш, гулдаста ясаш, унга изоҳ бериш каби шартларни бажаришди.**

**Вилоят ҳокими ўринбосари А. Ҳайдаров иштирокчиларни табриклаб, уларга омад тилади. Беллашувда «Хумор» қизлар гуруҳи ғолиб чиқди.**

**Ғолибларга Навоий тоғ-металлургия комбинати ва вилоят «Камолот» жамғармаси томонидан таъсис этилган мукофотлар топширилди.**

■ **Ўткир ПЎЛАТОВ**

ХДП O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

## ТАРИХИМИЗ САҲИФАЛАРИ

### 1991 — 2000

### 1995 ЙИЛ

**3 март.** Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши XIV пленумининг «Ўзбекистон Халқ демократик партиясини 1994 йилги молиявий-хўжалик фаолияти якунлари ва 1995 йил бюджетининг лойиҳаси ҳақида»ги қарори матбуотда чоп этилди.

**7 март.** Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитасининг Ўзбекистон хотин-қизларига байрам табриги матбуотда чоп этилди.

**18 март.** Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитасининг Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкилотлари ва аъзоларига, республикамиз барча фуқароларига «Наврўз» табриги матбуотда чоп этилди.

**23 март.** Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашида юртимизда меҳмон бўлиб турган Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти парламент ассамблеяси вице-президенти, Германия Бундестаги депутати Вилли Виммер бошчилигидаги делегация қабул қилинди. Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби меҳмонларга мамлакатда демократик тартиботларни қарор топтириш борасида олиб борилаётган салмоқли ишлар тўғрисида сўзлаб берди.

**1 апрель.** Матбуотда Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Низоми (1994 йил ноябрь Ўзбекистон Халқ демократик партияси навбатдан ташқари II қурултойида киритилган ўзгартишлар билан) чоп этилди.

**18 апрель.** Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитасининг Қозоғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон давлат бошлиқларининг Чимкентда бўлиб ўтган учрашуви якунлари тўғрисидаги қарори матбуотда чоп этилди. Сиёсий ижроия қўмитаси Қозоғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон раҳбарларининг Чимкентда ўтган учрашуви якунлари ва унда қабул қилинган ҳужжатларни тўла-тўкис қўллаб-қувватлади. У Марказий Осиё мазкур мамлакатлари кучғайратларини қардош халқлар манфаатларига мос туб иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, уларда демократик тартиботларни қарор топтириш учун сафарбар этишда учрашувнинг катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидлади.

*(Боши ўтган сонларда. Давоми бор).*

ИСЛОҲОТ ВА МАСЪУЛИЯТ

# СОЯ «СИГИР»ЛАРИ ТОШКЕНТДА

«ПГС» хусусий фирмаси ўзининг кичик новвойхоналарида ёпилаётган поннинг сифати, меҳнат унумдорлиги, электр энергиясини камроқ сарфлаши ва энг муҳими, арзонлиги билан хорижда ишлаб чиқарилган новвойхоналар билан бемалол рақобатлашади. Кейинги йилларда корхона ўз маҳсулотлари турини сезиларли даражада кўпайтирди. Айниқса, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш учун зарур бўлган маҳсулот ишлаб чиқаришга эътибор кучайтирилди. Булар — гўшт ва колбасани дудлаш қурилмалари, дистилляторлар, кунгабоқарни механизация усулида йиғиштириб олиш ускуналари, сауналар, иситиш калорифярлари, сабзавот, мева ва макарон қуритгичлардир.

Шу йил бошида эса «ПГС»даги маҳсулот турлари тиббиёт учун тайёрланган техника билан бойиди. Соя донидан сут олиш ва намлагич-ингалятор қурилмаси шулар жумласидандир.

— Хўш, тиббиёт соҳасига бундай жиддий эътиборнинг боиси нимада? — деган саволимизга «ПГС» хусусий фирмаси директори Полянте Свешников бундай жавоб қайтарди:

— Хусусан, намлагич-ингаляторлар тайёрлаётганимиз бундан бир неча йиллар аввал бошлаган ишимизнинг мантиқий давомидир. Биз кўпчиликка манзур бўлган сауналарни икки хил модификацияда тайёрлаяпмизки, улардан ҳаммомларда ва хонадон шароитида бемалол фойдаланиш мумкин. Бунда шифобахш ўтлардан олинган дамламалардан самарали фойдаланилади.

Намлагич-ингаляторлардан эса шифобахш ўтлар ва дармон-дорилардан кўплаб касалликларни даволашда фойдаланилади. Ҳозир бу ускуналар турли соғломлаштириш муассасаларида ишлатилмоқда ва унга талаб ортмоқда. Уни санаторийлар, дам олиш уйлари, профилакторийлар, ҳусусий клиникалар сотиб олишаётир. Шунингдек, офислар, хонадонлар учун ҳам. Чунки улар шифобахшлик хусусиятидан ташқари, маълум хонани чангдан тозалаб, намлигини таъминлаши туфайли бизнинг иссиқ ва қуруқ шароитимизда қимматлидир.

«ПГС» фирмаси ускуналарни Эндокринология ҳамда Фтизиатрия ва пульмонология илмий-тадқиқот институтларига ҳомийлик асосида етказиб берди. Эндокринологлар ички секреция касалликларини, масалан, қалқонсимон безларни йод буғлари ёрдамида даволашда қурилмадан фойдаланишяпти. Фтизиатрия ва пульмонология илмий-тадқиқот институтидагилар кутилмаганда ускунадан фойдаланишнинг бошқа йўлини топдилар. Бу ҳақда шу институт директори, профессор Абдулла Убайдуллаев бизга қуйидагиларни ҳикоя қилиб берди:

— Биз намлагич-ингалятордан ароматотерапия усулини қўллаган ҳолда сурункали бронхиал астма касаллигини даволашда фойдаланамиз. Шуниси мақтовга лойиқки, тадбиркорларимиз кейинги пайтларда тиббиёт учун ускуналар етказиб беришга эътибор қаратишяпти.

Пульмонология бўлимида эса ускунадан ҳаётда қандай фойдаланишаётганлигини бизга кўрсатишди. Институт қошидаги «Астмомактаб» раҳбари, тиббиёт фанлари номзоди Гулноза Узоқова шу ускунани ишлатмоқда. У бизга шундай деди:

— Энди биз сурункали астма касаллигини даволашда анъанавий усуллар билан бирга янги ускуна ёрдамида ароматотерапияни йўлга қўйдик. Чунончи, турли ҳидлар билан даволаш усули бутун бошли бир фандир. Шу боис у бутун дунёда оммалашиб бормоқда. Шу йили АҚШда ароматотерапия бўйича халқаро конгресс бўлиб ўтди. Бу фан бизда тобора ривожланаётир. Институтимизда астмани анъанавий усул билан даволаш ароматотерапия билан қўшиб олиб борилиши учун махсус хона ташкил этилди. Бизнинг тажрибамизда 120 нафар бемор иштирок этяпти. Мана масалан, икки йилдан буён оғир касалликка чалинган олтмиш ёшли Мирсаид А. ҳам шу усулда даволанмоқда. Касаллик ҳар икки ойда хуруж қилиб турарди ва ҳар гал «тез ёрдам» чақириларди. Пихта ёғи ҳидидан фойдаланиб, ўтказилган даволаш курсидан сўнг унинг аҳволи сезиларли даражада яхшиланди. Энди касалликнинг хуруж қилиш даври узайиб, олти ойдан ошди. Бронхолитик ва таблеткали дориларни қабул қилиш миқдори камайди. 12 ёшли Лазокат А. эса ўзини бутунлай соғайгандек ҳис қиляпти. Бунгача унга кўпинча бронхиал астма ҳуруж қилиб турарди. Унга ҳам бизнинг даволаш усулимиз фойда берди.

Соядан сут олиш қурилмаси тиббиёт учун ҳам, озиқ-овқат учун ҳам мўлжалланган. Бу ҳақда фирма директори П.Г.Свешников ҳикоя қилади:

— Биз яратган янги қурилма ҳақида гапиришдан олдин аввало сут олинадиган соянинг ўзи ҳақида фикр билдирсак яхши бўларди. Соя ажойиб ўсимлик бўлиб, афсуски бизда бу экинга ҳозирча эътибор камроқ. Ахир соя қадимий Хитойда эрамиздан 4 аср аввал бешта муқаддас экин рўйхатига киритилган-ку. Бу тасодифий хол эмас. Чунки соя дони таркибида 46-48 фоиз оқсил, 20-26 фоиз ёғ бор. Оқсил ва ёғнинг ҳақиқий хазинаси-ку! Бундан ташқари соядан оқсил олиш буғдойга нисбатан икки баравар, сутга нисбатан 14 баравар, гўштга нисбатан 21 баравар арзонга тушади.

Соя тўйимли бўлиши билан бирга шифобахшдир. Соя оқсили тез ҳазм бўлади ва унинг таркибида 20 хил тенгсиз аминокислоталар бор. Кальций, темир, фосфор сингари минерал моддалар, В гуруҳидаги қатор витаминлар мавжуд.

Тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатдики, соядан олинган маҳсулотларда юрак, буйрак касалликлари, қандли диабет ва аллергияда даволаш-профилактика хусусиятлари бор экан. Вашингтондаги рак миллий институти олимлари «аср вабоси» ҳисобланган дардни даволашда соянинг аҳамияти катта эканлигини аниқлаб, оламшумул ихтиро яратишди. Соя донидан олинган маҳсулотлар таркибида холестерин умуман йўқлигидан ташқари кўплаб касалликларнинг «айбдори»ни организмдан чиқариб ташлашга хизмат қилади.

Америка ва бошқа ривожланган мамлакатлар соядан озиқ-овқат саноатида фойдаланишга жиддий қарамоқдалар. АҚШда пазандаларнинг 80 фоизга яқини соя ёғидан фойдаланади.

Кўпгина мамлакатларда соядан фойдаланиш оддийгина соя сути олишдан бошланган. Шу боис бизнинг фирмамиз ҳам ишни соядан сут олиш қурилмаларини тайёрлашдан бошлади. Уни «Соя сигири» дейиш мумкин. Бундай қурилмалар дастлаб бундан ўттиз йил аввал Балтиморда табиий маҳсулотларнинг йиллик кўргазмасида намойиш этилган эди. У кўргазманинг Европа, Осиё, Жанубий ва Шимолий Америкадан келган иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди. Улар ҳеч қандай баҳслашувларсиз «Сигир»нинг келажаги порлоқ эканига ишонч билдиришди ва вақти келиб, бу «пода» жаҳоннинг барча бозорларини кезади, деган қарорга келишди. Улар хато қилишмаганди.

Мана «соя сигири» Тошкентда ҳам пайдо бўлди. Қурилманинг ишлаши оддийгина. Олдиндан намланган соя донлари махсус идишларга солиниб, унга керакли миқдорда сув қуйилади. Кейин майдаланиб, ҳаво кирмайдиган қилиб иссиқ буғ ёрдамида пиширилади. Жараён 20 дақиқа давом этади ва 1 килограмм соя донидан 10 литргача сут олинади. Соатига эса — 30 литр. Биттагина қурилма билан бир кеча-кундузда 30-40 бош сигирдан иборат подадан олингандан кўра кўпроқ маҳсулот чиқариш мумкин. Бунда бизнинг «сигир»имиз озуқа сўрамайди, унга ветеринар ҳам керакмас. Шунга қарамай, аъло навли сут беради.

Соя сути — хуштаъм, ширин, оқиш рангли ичимликдир. Озуқавий хусусиятига кўра эса 1,5-2 фоиз ёғли сигир сутига тенг. Сути чиқариб олинганидан кейин қолган маҳсулот эса окара деб аталиб, унинг таркибида кўплаб оқсил бор. У нон ёпишда қўл келади. Масалан, окаранинг 1-2 қошиғи битта тухум ўрнини босади.

Сутдан соя пишлоғи, яъни тофу олинадики, унинг таркибида тўлақонли ўсимлик оқсили бор. Шарқда тофуни «лаҳм гўшт» деб атайдилар. У таъмига кўра сулугуни пишлоғини эслатади.

Биз яқин келажакда ўзимизнинг «соя сигир»ларимиздан «пода» ташкил этиб, соя сути ишлаб чиқаришни кўпайтирмоқчимиз. Биз биринчи навбатда маҳсулотимизни болалар боғчаларига, мактабларга, касалхоналарга етказиб берамиз. Яқин келажакда унга барча эришиши мумкин.

■ **Рафаэль ЗАГРАТДИНОВ**

# «СОҲИБҚИРОН ЎГИТЛАРИ» ЎЙЛАНМАСИ

Азиз мухлис! Қуйида келтирилиб, рақамларда ифодаланган буюк соҳибқирон Амир Темур меросига мансуб ўгитлардаги сўзларни топиб очқични ҳал этинг.




1. Биз ким — мулки 14, 3, 5, 9, 20 Амири Туркистонмиз.
***Биз ким — миллатларнинг энг қадими ва энг улуғи Туркнинг бош бўғинимиз.***

2. Бир ишга киришмай туриб, ундан қутулиб 23,2,22,2,7 йўлларини мўлжаллаб қўй.

3. Шижоатли кишиларни 12, 24, 13, 14 тут, чунки Тангри таъло жасур кишиларни ардоқлайди.

4. Улкан 6, 25, 5, 9, 13 доимо улкан мухолифлик туғдиради.

5. Адоват эмас 1, 12, 9, 8, 1, 14 енгади.

6. Давлат ишларининг тўққиз улуши кенгаш, тадбир ва 6, 2, 7, 16, 1, 5, 1, 14, қолган бир улуши эса қилич билан бажо келтирилур.

7. Ишбилармон, мардлик ва шижоат 13, 9, 10, 2, 17, 2 азми қатъий, тадбиркор ва хушёр бир киши, мингминглаб тадбирсиз, лоқайд кишилардан яхшидир.

8. 5, 1, 2, 18, 14 аҳволидан огоҳ бўлдим, улуғларни оға қаторида, кичикларни 15, 1, 5, 19, 1, 20, 12 ўрнида кўрдим.

9. Ҳокимлар 13, 2, 11, 9, 10 ва раиятдан қайси бирининг халққа жабр-зулм етказганини эшитсам, уларга нисбатан дарҳол адолату инсоф юзасидан чора кўрдим.

10. Аввал йўлдош — 4, 25, 21, 2, 20 йўл.

Энди жавоб сўзлари асосида шаклдаги рақамларни ҳарфлар билан алмаштириб ўйланмани ечинг. Ундан Амир Темур ҳаётида қатъий эътиқод қўйиб, ҳамиша амал қилган беш нарсанинг бири ва унга берилган таърифни билиб оласиз.

■ **Фозилжон Орипов тузди.**

### ЖАВОБЛАРИ:

Очқич сўзлар: 1. Турон. 2. Чиқиш. 3. Дўст. 4. Мерос. 5. Адолат. 6. Машварат. 7. Соҳиби. 8. Раият. Фарзанд. 9. Сипоҳ. 10. Кейин.

Шаклда: «Тафаккур — фикрлаш ва мушоҳада қобилияти, кувваи ҳофизаси кучли инсон ҳар қандай мушкулу мушкулотни осон қилиш йўлини топа олади».

Амир ТЕМУР







*Тил билган — эл билади, дейди халқимиз. Бу гап бежиз айтилмаган. Айниқса, ҳозиргидек хорижий мамлакатлар билан алоқаларга кенг йўл очилган бир даврда бунинг аҳамияти катта. Шу боис, ёшларнинг ҳам чет тилларга қизиқиши баланд.*

*Тошкент чет тиллар педагогика институти 1948 йили ташкил этилган.*

*У 1992 йилда Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университетига айлантирилди. Ҳозир университетда 22 тил ўргатилмоқда. 1999 йили Президентимиз ташаббуси билан университет қошида халқаро журналистика факультети очилди. Учта тил бўйича журналистлар тайёрланяпти.*

*Университетда 23 профессор, 150 дан зиёд фан номзодлари илм-маърифат тарқатишмоқда. 4 мингдан зиёд талаба таълим олишади. Шулардан 500га яқини немис филологияси факультетида. Факультет ўқитувчилари тилни тез ва мукаммал ўргатиш бўйича янги-янги усулларни ишлаб чиқишмоқда.*

Суратларда: *1. Дарс пайти. 2. Немис тили филологияси факультети декани Шавкат Каримов ҳамда «Лексика ва мамлакатшунослик» кафедраси мудираси, доцент Манзурахон Дадахўжаева 3. Хорижий тиллар бўйича мутахассис-ўқитувчилар махсус тил ўқитиш хонасида.*

■ **Дилшод ЮСУПОВ (ЎзА) олган суратлар**

# ЖЎРА ҲОЖИ ЖИЙДАЛАРИ

Кўпни кўрган кексалар кўклам кунларида кўчат экишни канда қилмайдилар. Авлоддан-авлодга ўтиб келаётган юртни боғу бўстон қилишдек анъаналарни давом эттирадилар. Андижон туманининг «Ҳакам» қишлоғида истиқомат қилувчи меҳнат фахрийси Жўрахон Ҳакимов ўз хонадонида фарзандлари билан бир ярим минг туб нон жийда кўчатини етиштирди. Ҳожи бобо анча камёб ҳисобланган нон жийда кўчатларини қариндош-уруғларига, ҳамқишлоқларига тарқатди. Кўчатларни парвариш қилиш ҳақида маслаҳатлар берди.

■ **Аҳмадилло СОЛИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

# ХУСУСИЙ КОРХОНА ОБЛИГАЦИЯСИ

Самарқанддаги «ТС — Технология» илмий ишлаб чиқариш маркази қимматли қоғозлар бозорида биринчи бўлиб ўзининг қисқа муддатли фоизли облигациясини чиқарди.

Олти йилдирки ушбу марказ хориждан энг замонавий компьютер технологиясини олиб келаётир. Хўш, облигация ўзи нима? Қисқача айтганда, қимматли қоғоз. Марказ чиқарган облигация рангли қоғозда 140 нусхада бўлиб, ҳар бирининг номинал қиймати 500.000 сўмдир.

«ТС — Технология» компаниясининг умумий облигация эмиссияси 70 миллион сўмга тенг. Қизиқарлиси шуки, ушбу марказ облигациялари фақат юридик шахсларга сотилади. Облигация сотиб олган ташкилот уни бошқаларга сотиши, алмаштириши ёки гаровга қўйиши мумкин эмас.

Ҳамкорлар ишончини қозониш ҳамда облигацияларга юқори фоизли устама тўлаётганлиги туфайли «ТС — Технология»нинг мижозлари республикамизда кун сайин ортиб бораётир.

■ **Равшан ШОДИЕВ**

ҚОРА ҚИЛМИШ

# СОХТА ДИПЛОМЛИ СОЛИҚЧИ

Бошлиқ бўлиш яхши-да! Айниқса, даромадли жой бўлса, ундан ҳам яхши. Мўйдин Мамажонов давлат солиқ инспексиясида иш бошлаганида айнан шу хаёлда эди. Аммо унга бошлиқ бўлишида биттагина тўсиқ бор эди, у ҳам бўлса олий маълумотли деган дипломи йўқлиги.

Олтиариқ тумани Давлат солиқ инспекциясида солиқ инспектори бўлиб ишлаб юрган Мўйдин ишда ўзини кўрсата бошлади. Топширилган вазифани сидқидилдан бажариб, кундан-кунга жамоанинг ҳурмат-эътиборини қозониб, катта раҳбарларнинг назарига тушди. Бироқ, барибир ўша олий маълумотли эмаслиги кўнглини андак кир қилиб турар, шу мақсадда ҳатто Тошкент халқ хўжалиги институтининг Андижондаги филиалига икки-уч марта имтиҳон топшириб, ҳам кўрди. Аммо ҳар сафар имтиҳондан ўтолмай, бошини эгиб қайтиб келаверди. Айниқса, бошлиқ бўлишга интилиши, ҳавас-истаги унга ҳеч тинчлик бермай, қандай қилиб бўлса ҳам олий маълумотли деган дипломни қўлга киритишнинг пайида бўлди. Ўзи давлатнинг бообрў, масъулиятли идорасида масъул вазифалардан бирида ишласа-да, кўнглининг бир четида дипломни сотиб олиб бўлса ҳам мақсадига эришмоқчи бўлиб қолди. Халқ хўжалиги институтига ўқишга киролмай боши қотиб, хаёллари чувалашиб юрган кезлари Андижонда Илҳом исмли бир йигит билан танишиб қолди.

— Эй, биродар, дардим кўп, — деб ёрилиб қолди Мўйдин Мамажонов яна ўқишга киролмаганидан кейин. — Ҳамма нарса бору диплом йўқ, олий маълумотли деган. Шунга бош қотиб, институт эшигининг тагида тентираб юрибман.

— Эй, ака шунга шунчами. Пул бўлсами, диплом чўнтакда деяверинг. Ишингиз ҳам чакки эмас экан. Буёғини келишсак, сизни олий маълумотли деган дипломга эга қилиш биздан, — деб юборди Илҳом.

Икков қўл ташлашди. Мўйдин Мамажоновнинг боши осмонга етди. Аммо у ўқимай дипломни олиш, пулга сотиб олиш жиноят-ку, деб ўйлаб ҳам кўрмади. Аслида пулга диплом сотиб олиб, узоққа боролмаслигини у жуда яхши биларди. Биларди-ю, барибир ўз билганидан қолмай, жиноятга қўл урди.

Илҳом айтганини қиладиган йигитлар хилидан экан. Тошкент халқ хўжалиги институтининг қатъий рўйхатида турадиган, ушбу олийгоҳни битириб, олий маълумот олганлигини билдирувчи РВ652312 рақамли диплом бланкасини ғаразгўйлик ниятида қўлга киритиб, Тошкент халқ хўжалиги институтини 1986-1991 йилларда ўқиб, «Молия ва кредит» ихтисослиги бўйича маълумот олганлигини 541-сонли рўйхат рақами билан қайд эттириб, 1991 йил 1 июлдан Мўйдин Мамажонов номига берилгани тўғрисидаги сохта маълумотларни жимжимадор қилиб ёздириб ҳам олди. Дипломни олди-ю, чўнтакка урди. Энди унинг иши беш эди назарида.

Ўзига бўлган давлат ишончини суиистеъмол қилган, алдов, фирибгарлик йўли билан давлатнинг мулкий ҳуқуқларини қўлга киритишликни олдиндан мақсад қилиб олган Мўйдин Мамажонов қалбаки дипломни вилоят Давлат солиқ бошқармасининг кадрлар бўлимига кўзини чирт юмиб топшириб юборди.

1998 йилда М.Мамажонов сохта диплом билан Риштон Давлат солиқ инспекцияси бошлиғининг ўринбосари вазифасида ишлаб турганида, унинг «олий маълумотли» эканлиги, ўз касбига ижодий ёндошаётганини инобатга олган вилоят Давлат солиқ бошқармаси раҳбарлари Риштон тумани Давлат солиқ инспекциясига бошлиқ этиб тайинлаш юзасидан Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ қўмитасига тавсия киритишди. Қарабсизки, 1998 йил 31 октябрдан эътиборан М.Мамажонов ўз ниятига эришиб, бошлиқ бўлди-қолди.

Қалбаки диплом билан зўраки бошлиқ бўлиб олган М.Мамажонов амалдаги қонун-қоидаларга зид ҳолда ишлаб, 1999 йилнинг 20 ноябрига қадар ноқонуний 140177 сўм мукофот пули олди ва шунингдек 110534 сўмлик автотранспорт ва алоқа хизматларидан қонунсиз тарзда фойдаланди. Қалбаки дипломи билан давлатни алдаб, ишончни суиистеъмол қилган Мўйдин Мамажонов талон-торож қилган 364 минг 419 сўмнинг 160 минг 977 сўмини 1999 йил 25 декабрь куни ўз ихтиёри билан қоплади.

Албатта, М.Мамажоновнинг бошлиқ бўлиш орзу-ҳаваси йўлидаги саъй-ҳаракати ила қўлга киритилган қалбаки диплом охир-оқибат фош бўлди. Касбдошлар, таниш-билишлари олдида ер чизиб қолди. Бироқ, бошлиқ бўлишнинг ҳалол-пок йўли бор эди. Ўз кучи, билими билан олийгоҳга ўқишга кириб, битирганида шундай машмашалар рўй бермасди, билиб-кўриб жиноят кўчасига кирмасди. Зеро, масъулиятли вазифада ишлаб келган Мўйдин Мамажоновнинг дипломни пулга сотиб олиши жиноят эканлигини билмайди, дейиш ҳам нотўғри. Энг муҳими, унинг мақсади эгри эди, мана шу эгри нияти уни жиноятга етаклади.

■ **Рустам КАРИМОВ, Фарғона вилоят прокурорининг биринчи ўринбосари, адлия маслаҳатчиси**

# ЁДГОРЛИК МАЖМУИДАГИ ҲАШАР

Яқинда Тошкент Архитектура-қурилиш институти ректори, профессор Б. Асқаров ташаббуси билан шу илм даргоҳининг 400 дан ортиқ талаба ва ўқитувчилари Бўзсув соҳилида бунёд этилаётган «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуида катта ҳашар уюштирдилар. Бизнинг озод ва обод Ватанимиз келажаги учун жонини фидо қилган миллатпарвар аждодларимиз Абдулла Қодирий, Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Чўлпон, Усмон Носир каби қатағон қурбонларининг руҳларини шод этиш мақсадида институт жамоаси яна бир бор шанбалик ташкил этишга аҳд қилишди.

■ **Ширин РАҲИМБЕРДИЕВА**

# ДИҚҚАТ, ЯНГИЛИК: «ОБУНАЛОТО»

## «ОБУНАЛОТО» ЎЙИНИ ТАРТИБИ

Муштарий газетада чоп этилган чиптани қайчи билан қирқиб олади ва ундаги 12 ой рақамлари тагидаги 12 бўш катакка биттадан (бир хонали) рақам ёзиб чиқади. Сўнгра яшаш, ишлаш ёки ўқиш жойини, исми ва фамилиясини аниқ-равшан ёзиб, яқинидаги почта алоқа бўлимига ёки жамоатчи матбуот тарқатувчиларга топширади. Почта алоқа бўлимидаги масъул шахс тўлдирилган чиптани кўздан кечириб, тўғрилигига ишонч ҳосил қилгач, муҳр босиб имзо чекади. Бунинг учун муштарийдан ҳар бир чиптага 100 сўм ҳақ олинади. Бу «Обуналото» билетининг баҳоси ҳисобланади. Чиптанинг мижозга қайтарилган қисми ютуқлар тиражида қатнашувчи расмий ҳужжат бўлиб қолади.

Ютуқлар тиражи 2000 йил 1 июнда ўтказилади. Қуръа ташлаш йўли билан аниқланган олти хонали рақам газетада эълон қилинади. Чиптадаги ўн икки хонали рақамнинг охирги олтитаси, бештаси, тўрттаси, газетадаги рақамга мос келса — ЮТУҚ ҳисобланади. Масалан, муштарий ўз чиптасига 664943208754 рақамини ёзган, дейлик. Газетада ютуқ рақами 208754 деб эълон қилинди. Бунда чиптадаги ўн икки рақамнинг кейинги олти рақами ютуқ рақамига мос тушяпти. Шу чипта соҳиби энг катта ютуққа — «Ўзбекистон овози», «Голос Узбекистана», «Осиё бозори» газеталаридан бирига 6 ой бепул обуна бўлиш ҳуқуқини қўлга киритади. Беш рақамни (08754) топганлар — 3 ой, тўрт (8754) рақамни топганлар — бир ой ушбу газеталардан бирини бепул олиб турадилар. Охирги уч рақами (754) тўғри келганларга эса тираж комиссияси имкониятга қараб махсус ютуқлар тайинлаши мумкин. Шу боисдан уларни ташлаб юборишга шошилманг.




ФМТ-1

"Ўзбекистон почтаси" Давлат-Акционерлик компанияси

АБОНЕНТЛИК Газета ______ Нашр индекси

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Обуна сони

2000 йил учун (ойлар бўйича)

| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | | | | | | |

Қаерга ______ (почта индекси) (манзилгох)

Кимга ______ (Фамилияси, исми ва отасининг исми)

✂ - - - - - - - - - - - - - - - - - - - -

ФМТ-1

п.в | Жойи

Нашрга етказиш варақаси ______ Нашр индекси

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

| Обунани янги манзилга юбориш | Баҳоси | сўм | обуна сони |
|---|---|---|---|
| | Баҳоси | сўм | |

2000 йил учун (ойлар бўйича)

| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | | | | | | |

Қаерга ______ (почта индекси) (манзилгох)

Кимга

**«Обуналото» ўйинларимизда иштирок этинг, унда сиз арзимас пул эвазига бебаҳо маънавий бойликни қўлга киритишингиз мумкин. Қимматли вақтингизни сарфлаб газета қидириб юрмайсиз, балки газетанинг ўзи сизни қидириб хонадонингизга кириб боради. Бунақаси ҳеч қачон бўлмаган! Лекин бу ҳам ҳали ҳаммаси эмас. Олти рақамни топган ютуқ соҳиблари яна икки мукофот билан сийланадилар. Биринчиси: ютуқ соҳибининг расми ва ўзи ҳақидаги мақола газетада чоп этилади. Иккинчиси: ютуқ соҳибига реклама учун газета саҳифасидан 100.000 сўмлик жой ажратилади.**

*БУНДАЙ КЎЗ КЎРИБ, ҚУЛОҚ ЭШИТМАГАН ЮТУҚЛАРНИ ҚЎЛГА КИРИТМОҚЧИ БЎЛСАНГИЗ, «ОБУНАЛОТО» ЎЙИНЛАРИДА ҚАТНАШИНГ!*

# САВДО ВА ТИЖОРАТГА КЎМАКЛАШУВЧИ «САВДОГАР» ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН АКЦИЯДОРЛИК-ТИЖОРАТ БАНКИ

## «САВДОГАР»БАНК ОМОНАТЧИЛАРИ ДИҚҚАТИГА!!!

**2000 йил 1 апрелдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаш ставкаси ўзгариши муносабати билан Савдогарбанк жисмоний шахслардан қабул қилинадиган муддатли омонатлар (депозитлар) бўйича фоиз ставкаларини қайта молиялаш ставкасининг энг камида 75 фоизи ёки йиллик 22,5 фоиз миқдорида, юридик шахслар бўйича эса қайта молиялаш ставкасининг энг камида 50 фоизи ёки йиллик 15 фоизи миқдорида белгиланганлигини маълум қилади ва қуйидаги янги даромад фоиз ставкаларини таклиф этади:**

Талаб қилиб олингунча — йиллик 30%
Муддатли омонатлар:
3 ой муддатга — йиллик 34 фоиз
6 ой муддатга — йиллик 36 фоиз
1 йил ва ундан ортиқ муддатга — йиллик 38 фоиз.
5 йил ва ундан ортиқ муддатга — йиллик 40 фоиз.

*Номи кўрсатилмаган (яъни кўрсатувчига бериладиган) энг камида 3 ой сақлаш муддатлик омонат — йиллик 30 фоиз.*

*Шу билан бир қаторда, фоиз ставкалари «Кафолатли даромад» номли омонат тури бўйича йиллик 35 фоиз, «Мўътабар аёл» номли муддатли омонат тури бўйича эса йиллик 38 фоиз миқдорида белгиланган.*

Ушбу фоиз даромадларини омонатчилар ўз хоҳишларига кўра олдиндан ёки исталган пайтда олишлари мумкин.

*Бунда, аввал жалб қилинган муддатли омонатлар (депозитлар) бўйича депозит битимининг амал қиладиган бутун муддати мобайнида битимда кўзда тутилган фоиз ставкалари асосида даромадлар тўлаб борилиши кафолатланади.*

*Омонатга маблағ қўймоқчи бўлганлар ва қўшимча маълумот олишни хоҳловчилар Тошкент шаҳри, Саийд Барака кўчаси, 76-уй. 54-24-05 ва 54-19-38 рақамли телефонларга ёки Савдогарбанкнинг қуйидаги бўлимларига мурожаат қилишлари мумкин:*

| | | |
|---|---|---|
| 1 | **Савдогарбанк Амалиёт бошқармаси** | Тошкент шаҳри. С.Барака кўчаси, 76 т.54-25-19, 54-25-23 |
| 2 | **Қорақалпоғистон Республикаси бўлими** | Нукус шаҳри, А. Шомуратов кўчаси, 96 т.2-86-35, 7-80-04 |
| 3 | Хўжайли бўлими | Қорақалпоғистон Республикаси, Хўжайли шаҳри, Ойбек кўчаси т. 4-50-03 |
| 4 | Тўрткўл бўлими | Қорақалпоғистон Республикаси, Тўрткўл шаҳри, Тўрткўл кўчаси, 57, т 2-45-84 |
| 5 | **Тошкент вилоят бўлими** | Тошкент шаҳри Матбуотчилар кўчаси, 17 т.132-02-70, 132-14-68 |
| 6 | Оҳангарон бўлими | Тошкент вилояти, Оҳангарон шаҳри, Навоий кўчаси, 5 т. 5-39-05, 5-28-49 |
| 7 | Ғазалкент бўлими | Тошкент вилояти, Ғазалкент шаҳри, Павлов кўчаси 21 т.2-25-44, 2-15-84 |
| 8 | Зангиота бўлими | Тошкент вилояти Зангиота тумани, Эшонгузар қўрғони, Охунбобоев кўчаси, 4 т. 170-37-51 |
| 9 | Келес бўлими | Тошкент вилояти, Тошкент тумани, Келес шаҳри, Ғафуров кўчаси, 8 т 5-68-71, 5-63-56 |
| 10 | Қибрай бўлими | Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Қибрай шаҳри, Зебинисо кўчаси, 2 т. 64-09-82 |
| 11 | Бўка бўлими | Тошкент вилояти, Бўка шаҳри, Магистрал кўчаси, 5 т. 3-57-84 |
| 12 | Амир Темур бўлими | Тошкент шаҳри, Юнусобод, 2- квл, 8 уй т. 21-29-85 |
| 13 | **Андижон вилоят бўлими** | Андижон шаҳри, Машраб кўчаси, 37. т. 25-92-85 |
| 14 | Хўжаобод бўлими | Андижон вилоят, Хўжаобод шаҳри, Навоий кўчаси 125 т. 1-29-32 |
| 15 | **Бухоро вилоят бўлими** | Бухоро шаҳри, Ҳамза кўчаси, 6 т. 4-56-81 |
| 16 | Қоракўл бўлими | Бухоро вилояти, Қоракўл шаҳри, Улуғбек кўчаси, 2 т.5-26-63 |
| 17 | **Жиззах вилоят бўлими** | Жиззах шаҳри, Навоий кўчаси, 4 т. 3-88-69, 3-80-39 |
| 18 | Дўстлик бўлими | Жиззах вилояти, Дўстлик шаҳри, Мустақиллик кўчаси. т. 3-56-63 |
| 19 | Ғаллаорол бўлими | Жиззах вилояти, Ғаллаорол шаҳри, Мустақиллик кўчаси. 27 т. 2-11-37 |
| 20 | Усмат бўлими | Жиззах вилояти, Усмат қўрғони, 9 май кўчаси, 5 т. 2-52-48 |
| 21 | **Наманган вилоят бўлими** | Наманган шаҳри, Машраб кўчаси, 1 т. 6-40-24, 3-87-29 |
| 22 | Наманган шаҳар бўлими | Наманган шаҳри, Ибрат кўчаси, 26 т. 6-71-23, 6-47-41 |
| 23 | Чортоқ бўлими | Наманган вилояти, Чортоқ шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 9 т. 2-17-79 |
| 24 | Тўрақўрғон бўлими | Наманган вилояти, Тўрақўрғон шаҳри, Ал-Фарғоний кўчаси, 23 т. 2-13-84 |
| 25 | **Қашқадарё вилоят бўлими** | Қарши шаҳри, Ўзбекистон кўчаси, 49 т. 4-60-01, 4-48-79 |
| 26 | Косон бўлими | Қашқадарё вилояти, Қосон шаҳри, Ш. Рашидов кўчаси, 102 т. 3-13-76 |
| 27 | Шаҳрисабз бўлими | Қашқадарё вилояти, Шаҳрисабз шаҳри, Пиллакашлик кўчаси, 21 т. 2-50-60 |
| 28 | Деҳқонобод бўлими | Қашқадарё вилояти, Деҳқонобод тумани, Карашина қўрғони, М. Улуғбек кўчаси т. 2-26-66 |
| 29 | Китоб бўлими | Қашқадарё вилояти, Китоб шаҳри, Ипак-Йўли кўчаси, 1 т. 2-14-87 |
| 30 | **Самарқанд вилоят бўлими** | Самарқанд шаҳри, Амир Темур кўчаси, 70 т.33-67-61 |
| 31 | Жомбой бўлими | Самарқанд вилояти, Жомбой шаҳри, Арчазор кўчаси, 1 т. 33-14-75 |
| 32 | Пайшанба бўлими | Самарқанд вилояти, Каттақўрғон тумани, Пайшанба қўрғони, Навоий кўчаси, 93 т. 31-22-45 |
| 33 | Иштихон бўлими | Самарқанд вилояти, Иштихон шаҳри, Навоий кўчаси, 9 т. 31-13-73 |
| 34 | Зиёвуддин бўлими | Самарқанд вилояти, Пахтачи тумани, Зиёвуддин қўрғони, Истиқлол кўчаси, 67 т. 31-16-05 |
| 35 | Булунғур бўлими | Самарқанд вилояти, Булунғур шаҳри, Ўзбекистон кўчаси, 82 т. 31-13-56 |
| 36 | Челак бўлими | Самарқанд вилояти, Челак шаҳри, Самарқанд кўчаси, 2 т. 31-08-54 |
| 37 | Пайариқ бўлими | Самарқанд вилояти, Пайариқ тумани, Пайариқ қўрғони, Ўзбекистон 50-йиллиги кўчаси, 11 т. 31-16-05 |
| 38 | Оқтош бўлими | Самарқанд вилояти, Оқтош шаҳри, Амир Темур кўчаси, 6 т. 31-08-49 |
| 39 | Ургут бўлими | Самарқанд вилояти, Ургут шаҳри , Навоий кўчаси, 102 т. 3-56-86 |
| 40 | Тойлоқ бўлими | Самарқанд вилояти, Тойлоқ қўрғони, Амир Темур кўчаси, 14 т. 31-08-73 |
| 41 | Улуғбек бўлими | Самарқанд вилояти, Улуғбек қўрғони, Пардаев кўчаси, 7 т. 31-03-73 |
| 42 | **Сирдарё бўлими** | Сирдарё вилояти, Сирдарё шаҳри, Темирйўл кўчаси, 2 т. 7-16-13 |
| 43 | Янгиер бўлими | Сирдарё вилояти, Янгиер шаҳри, Самарқанд кўчаси, 10 т. 72-19-34 |
| 44 | **Сурхондарё вилоят бўлими** | Термиз шаҳри, Исо Термизий кўчаси, 10 т. 2-74-90, 2-74-93 |
| 45 | Денов бўлими | Сурхондарё вилояти, Денов шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 38 т. 9-33-74 |
| 46 | Музработ бўлими | Сурхондарё вилояти, Музработ тумани, Ш. Рашидов кўчаси, 1 т. 9-24-81 |
| 47 | Олтинсой бўлими | Сурхондарё вилояти, Олтинсой тумани, Қарлуғ қўрғони т. 5-14-05 |
| 48 | **Фарғона вилоят бўлими** | Фарғона шаҳри, Ал-Фарғоний кўчаси, 9 т. 24-82-52, 24-67-63 |
| 49 | Риштон бўлими | Фарғона вилояти, Риштон шаҳри, Темиров кўчаси, 12 т. 2-18-85 |
| 50 | Яйпан бўлими | Фарғона вилояти, Яйпан шаҳри, Туркистон кўчаси, 151 т. 9-55-91 |
| 51 | Қува бўлими | Фарғона вилояти, Қува шаҳри, Қайқуобод кўчаси, 154 т.5-45-09 |
| 52 | Водил бўлими | Фарғона вилояти, Водил қўрғони, А. Ғуломов кўчаси, 3 т. 2-12-92 |
| 53 | Боғдод бўлими | Фарғона вилояти, Боғдод қўрғони, Охунбобоев кўчаси, 10. т. 9-26-58 |
| 54 | **Навоий вилоят бўлими** | Навоий шаҳри, Меъмор кўчаси, 83 т. 4-82-71 |
| 55 | **Хоразм вилоят бўлими** | Урганч шаҳри, Паҳлавон Маҳмуд кўчаси, 16 т.6-73-59 |

БОШ МУҲАРРИР
Азим СУЮН

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
*Абдулла ОРИПОВ*
*Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ*
*Азиз НОСИРОВ*
*Қозоқбой ЙЎЛДОШЕВ*
*Ислом ШОҒУЛОМОВ*
*Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)*
*Алимқул СУЛТОНОВ (бош муҳаррир ўринбосари)*
*Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)*
*Бахтиёр ҲАМИДОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)*
*Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)*

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
*Сиёсат — 133-44-55*
*Иқтисодиёт — 133-76-04*
*Маънавият — 133-07-20*
*Хатлар ва оммавий ишлар — 133-12-56, 136-55-16*
*Ахборот — 133-12-56*
*Котибият — 133-21-43*
*Реклама ва эълонлар 133-47-80, 133-38-55,*
*Факс — 133-73-43, 133-06-83*

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
*Андижонда — 25-16-16;*
*Бухорода — 23-51-40;*
*Гулистонда — 25-16-22;*
*Жиззахда — 3-29-44;*
*Навоийда — 3-39-20;*
*Наманганда — 6-43-43;*
*Нукусда — 222-70-12;*
*Самарқандда — 35-20-54;*
*Тошкентда — 136-53-16;*
*Урганчда — 226-51-35;*
*Фарғонада — 26-46-84;*
*Қаршида — 4-61-35;*
*Термизда — 3-79-98.*

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи
*Равшан Шодиев*
Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Саҳифаловчи-дастурчи
*Бахтиёр Жуманов*

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили:
*Буюк Турон кўчаси, 41-уй.*

Рўйхатдан ўтиш тартиби
№ 00004
Газета офсет усулида, А—2 форматида босилди.
*Ҳажми 2 босма табоқ.*
«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
Г — 182

*Топшириш вақти -- 21.00.*
*Топширилди -- 21.00.*
1 2 3 4 5 6

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА